

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВ ТЕМУР ХАЛМАМАТОВИЧ

ЎҒРИЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА ОЛДИНИ ОЛИШ

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Хасанов Темур Халмаматович

Ўғрилиқ учун жиноий жавобгарлик ва олдини олиш3

Хасанов Темур Халмаматович

Уголовная ответственность за кражу и предотвращение21

Khasanov Temur Halmamatovich

Criminal liability for theft and prevention39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВ ТЕМУР ХАЛМАМАТОВИЧ

ЎҒРИЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА ОЛДИНИ ОЛИШ

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Yu17 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Закирова Адина Гулямовна юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ўразалиев Мурод Қораевич юридик фанлар доктори Маҳкамов Отабек Мухтарович юридик фанлар доктори, доцент
Етақчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси.

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил 12 декабрдаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (883 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2019 йил 30 ноябрь куни тарқатилди.
(2019 йил 30 ноябрдаги 5-рақамли реестр баённомаси).

Н.С. Салаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

Б.Т. Мусаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Г.З. Тулаганова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда мулкни ва унга бўлган ҳуқуқни жиноий тажовузлардан қўриқлаш, унинг дахлсизлигини таъминлаш, мулк ҳуқуқига тажовуз қилувчи қилмишларга қарши курашиш долзарб аҳамият касб этмоқда. БМТ шарҳларига кўра «2010-2019 йилларда жаҳонда ҳар 100 минг кишига 862,4 та ўғрилиқ қайд қилинган, бунда ривожланаётган мамлакатларда – 354,3, ривожланганларда эса – 1370,5, яъни 3,9 мартаба кўпроқ. Минтақалар бўйича бу тафовутлар ўн олти карра кўпроқни ташкил қилган. Масалан, Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада у 1580,3 та, Шарқий Европа давлатларида – 121,5 ва Лотин Америкасида – 95,6 тани ташкил қилган. 2019 йилда ўғрилиқ 2017 йилга нисбатан 21%га ўсганлиги»¹ ҳақидаги далиллар мулкни талон-торож қилганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш, мазкур қилмишларни олдини олишнинг янги чоралари ва янада самарали механизмини ишлаб чиқиш, уларни профилактикасига алоҳида эътибор қаратиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Жаҳонда мулк ва мулкка бўлган ҳуқуқни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш сиёсатини ўрганиш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини самарали ташкил қилишга эътибор берилмоқда. Жумладан, мулк ва мулкка бўлган ҳуқуқни жиноий тажовуздан муҳофаза қилишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, мазкур турдаги қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган қонун нормаларини такомиллаштириш, мулкни талон-торож қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган миллий қонунларга илғор хорижий давлатлар тажрибаси ва халқаро стандартлар имплементациясини кучайтириш, мазкур турдаги жиноятлар рецидивининг олдини олишнинг профилактик чоралари ва янада самаралироқ механизмини ишлаб чиқиш, бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида республикада иқтисодий негизнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда хилма-хил шакллардаги мулкнинг муҳофазасини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди, мазкур соҳа анча такомиллаштирилди, хусусан, қилмишнинг компьютер тизимига рухсатсиз кириб ҳамда нефть, газ қувурларида, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларида содир этилганлиги учун жавобгарликни дифференциация қилиш, ўғрилиқнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш, виктимологик профилактикани яхшилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ иқтисодий асосларига қарши жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш»² қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, ушбу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

¹ www.un.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тўғрисида»ги (2014), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори (2017) ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўғрилиқка қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва кримнологик масалалари республикамизда Қ.Р.Абдурасулова, М.А.Абдухаликов, Ш.Ё.Абдуқодиров, П.Б.Бакунов, И.Исмоилов, Ю.Каракетов, У.М.Мирзаев, С.Ниёзова, Б.Олимжанов, Ю.С.Пулатов, М.Х.Рустамбоев, М.С.Собиров, Қ.Тожибоев, М.Усмоналиев, А.С.Якубов, М.Қаландаров, Р.Қобулов, М.М.Қодиров, И.Х.Ҳақимов, Х.Р.Очилов томонидан ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда J.Dresser, F.Palazzo, L.Delpino, Ito Makoto ва бошқалар томонидан мулкни талон-тороғ қилиш жиноятчилиги тадқиқ этилган. Турли йилларда ушбу муаммога оид тадқиқотлар МДХ давлатлари олимлари А.И.Алексеев, Ю.М.Антонян, Г.В.Верин, В.А.Владимиров, Б.В.Волженкин, Л.Д.Гаухман, А.И.Гуров, М.М.Исаев, М.Ж.Каибжанов, И.Я.Козаченко, С.М.Кочои, Г.А.Кригер, Ю.И.Ляпунов, С.В.Максимов, А.П.Севрюков, А.Е.Савкин, Э.С.Тенчов, Е.О.Алауханов ва бошқалар¹ томонидан амалга оширилган.

Ўғрилиқка қарши курашиш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига илмий шарҳларда, дарслик, ўқув қўлланмаларида ёритилган, бироқ кўпгина муҳим умумназарий ва амалий тусдаги масалалар ҳали ҳам тадқиқ этилмаган. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб, унинг илмий ва амалий жиҳатдан ўрганилиши зарурати мавжуд эканлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилиб «Ўзбекистон Республикасида интернет тармоғида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш», «Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишнинг инновацион усул ва воситалари» каби илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўғриликнинг жиноят-ҳуқуқий ва кримнологик муаммолари аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

¹ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлари рўйхатида келтирилган.

ўзгалар мулкани ўғрилиқ йўли билан талон-торож қилиш тушунчаси ва ижтимоий хавфлилигини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш;

ўғрилиқ учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиши босқичларини ўрганиш;

айрим хорижий мамлакатларда ўзгалар мулкани ўғрилиқ йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик масалалари қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш, хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

ўзгалар мулкани ўғрилиқ йўли билан талон-торож қилишнинг объектив ва субъектив белгилари ҳамда қилмишни квалификация қилиш ва жазо тайинлаш масалаларини таҳлил қилиш;

ўзгалар мулкани ўғрилиқ йўли билан талон-торож қилишга криминологик тавсиф бериш;

ўғрилиқнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш;

ўзгалар мулкани ўғрилиқ йўли билан талон-торож қилишни олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштиришга оид аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан асосланган таклиф ва тавсиялар тайёрлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ўзгалар мулкани ўғрилиқ йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик белгилаш ва унга қарши курашишда юзага келадиган ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ўзгалар мулкани ўғрилиқ йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган жиноят-ҳуқуқий нормалар, ўғрилиқларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида қўлланадиган криминологик таъсир чоралари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, махсус адабиётлар, тергов ва суд амалиёти, статистик ахборотлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ўтказишда тадқиқотчи илмий билишнинг умумилмий диалектик усулидан фойдаланган. Бундан ташқари, тарихий, расман-мантқиқий, қиёсий-ҳуқуқий, статистик, социологик, ижтимоий сўров ва тизимли таҳлил каби хусусий илмий услублар фойдаланилган. Мазкур усулларнинг барчаси маълум даражада диссертация тадқиқоти натижаларининг аниқлиги ва асосланганлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўғрилиқ жиноятини нефть қувурларида, газ қувурларида, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларида содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши зарурлиги асосланган;

оз миқдорда талон-торож қилиш ҳолати аниқланганда узоғи билан бир сутка ичида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳужжатлари расмийлаштирилиб, маъмурий судга юборилиши зарурлиги асослаб берилган;

агар ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ қилмишда Жиноят кодекси нормасини турли қисмларига оид белгилар мавжуд бўлса, судлар томонидан ушбу модданинг оғирроқ қисми билан квалификация қилиш зарурлиги асосланган;

мулкӣ тусдаги ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикасини амалга оширишда айнан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан мол-мулкни қўриқлаш соҳасида хизмат кўрсатишни ташкил қилиши зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

алоҳида қийматга эга предметларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаганлик учун Жиноят кодекси алоҳида моддасида жавобгарлик белгилашга доир таклиф ишлаб чиқилган;

ахборот технологияларидан фойдаланиб, ўзганинг мулкани талон-торож қилганлик учун алоҳида моддада жавобгарлик белгилашга оид таклиф ишлаб чиқилган;

майда ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда оз миқдорда талон-торож қилиш, башарти шундай ҳаракатлар энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваригача миқдорда бўлган тақдирда маъмурий жавобгарлик юзага келиши асосланган;

мазкур жиноятларни олдини олиш чоралари тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

ўғрилик жинояти юзасидан жиноят қонуни нормалари ва криминалогик усулларни такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиётига асосланган, бундан ташқари хулосалар социологик тадқиқотлар, статистик маълумотлар таҳлили натижаларини умумлаштириш орқали асосланган, олинган натижалар вақолатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган қоидалар жиноят ҳуқуқи ва криминалогия назариясининг ривожланишига муайян ҳисса қўшади. Илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган хулосалардан илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, юридик олий ўқув юртларида жиноят ҳуқуқи ва криминалогия фанларидан дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Ушбу тадқиқот иши ўғрилик учун жиноий жавобгарликка тортиш ва ушбу жиноятларни олдини олиш муаммосини ҳал этишга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўғрилик жинояти учун жиноий жавобгарликни қўллаш ва жазо тайинлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда ифодаланади. Тадқиқот натижаларидан жиноят қонунини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг йўналтирувчи кўрсатмаларини ишлаб чиқишда, суд-тергов амалиёти ходимлари томонидан ўғриликни квалификация қилиш ва жазо тайинлаш амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўғрилик учун жиноий жавобгарлик ва олдини олиш масалаларини тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

нефть қувурларида, газ қувурларида, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларида содир этилган ўғрилиқнинг жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолат сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмига «г» банд сифатида тўлдириш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ–355-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари Қўмитасининг 2018 йил 24 октябрдаги 06/1-05/730Ж-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф нефть қувурларида, газ қувурларида, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларида содир этилган ўғрилиқ учун жавобгарлик дифференциация қилишга хизмат қилган;

ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларда Жиноят кодекси моддасининг оғирроқ жазони кўзда тутувчи қисмида кўрсатилган қилмиш содир этилганда мазкур қилмишни тегишли модданинг бошқа қисмлари билан қўшимча тавсифланиши талаб этилмаслиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзгалар мулкани ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 17 октябрдаги ПЛ-56-18-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда жиноят қонунининг одиллик принципига риоя этилишига хизмат қилган;

оз миқдорда талон-торож қилиш аниқланганда узоғи билан бир сутка ичида ҳужжатлар расмийлаштирилиб, маъмурий судга юборилиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 2 июлдаги 133-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари кўриқлаш хизматининг кўриқланаётган объектларда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида»ги Низомнинг 11-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташкилий департаменти юридик таъминлаш бошқармасининг 2018 йил 25 октябрдаги 33/04-01/3077-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ички ишлар органлари соҳасида оз миқдорда талон-торож қилиш ҳамда ўғрилиқ каби ижтимоий хавфли қилмишларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, 13 та илмий мақола (4 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг **кириш** қисми (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «**Ўзгалар мулкни ўғрилик йўли билан талон-торож қилишнинг умумий тавсифи**» номли биринчи бобида ўзгалар мулкни ўғрилик йўли билан талон-торож қилиш тушунчаси ва ижтимоий хавфлилиги ҳамда хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида ўзгалар мулкни ўғрилик йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик ёритилган.

Диссертант томонидан қайд этилганидек, ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг қуйидаги белгиларини ажратиш мумкин:

1) мулкни эгаллашда ғаразли ният (ғаразгўйлик)нинг мавжудлиги. Ғаразли ният фойда олиш, наф, манфаат кўришни назарда тутати. ЖКга кўра, ғаразгўйлик деганда содир қилинган жиноятдан моддий ёки бошқача мулкий йўсиндаги фойда олиш ёхуд моддий харажатлардан қутилишга интилишда ифодаланган ният тушунилади.

2) ўзгалар мулкни қонунга хилоф равишда эгаллаш. Қонунга хилофлик – айбдорнинг мулк эгаси эмаслиги, қилмишни содир этишга ҳуқуқий асоси ва ҳуқуқи йўқлиги, бундай мулкни ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига айлантиришга ҳуқуқи йўқлигини англатади.

3) талон-торож қилинган мулкнинг ўрни қопланмаслиги. Ўрнини қопламаслик деганда, айбдорнинг талон-торож қилинган мулк учун ижтимоий фойдали меҳнат ёки унинг ўрнини босувчи қийматга эга ҳаракатни амалга оширмаслик, мулк қийматидан камроқ ҳақ тўлаш тушунилади.

4) мулкнинг ўзганинг тасарруфидан олинганлиги ва ўзгалар тасарруфида бўлиши. Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятида айбдор тажовуз қилган мулк мулкдорнинг бевосита эгалигида бўлиши керак;

5) мулкдорга моддий зарар етказиш. Ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг барча шаклларида мулкдорга моддий зарар етказилади.

Муаллиф Ўзбекистон Республикасида 2009 йилда 6021 нафар, 2010 йилда 5535 нафар, 2011 йилда 6514 нафар, 2012 йилда 5641 нафар, 2013 йилда 5687 нафар, 2014 йилда 5890 нафар, 2015 йилда 7157 нафар, 2016 йилда 6543 нафар, 2017 йилда 8277 нафар шахс ўғрилик учун судланганлиги ҳақидаги статистик маълумотларни таҳлил қилиб, ўғрилик динамикасининг йилдан йилга ўсиб бораётганлиги ҳақида хулосага келган.

Шунингдек, диссертант томонидан талон-торож ўзганинг қонуний эгалиги (тасарруфи)да бўлган мулкни ёки мулкий ҳуқуқини қонунга хилоф равишда айбдорнинг ўзи ёки учинчи шахс фойдасига қасдан, таъмагирлик ёхуд бошқа

паст ниятда бепул ва қайтариб бермаслик шарти билан олиб қўйиш эканлиги асосланган.

Диссертацияда талон-торож қилишнинг қуйидаги жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари:

а) ўзга мулкнинг олиб қўйилиши ва (ёки) айбдор ёки бошқа шахсларнинг фойдасига айлантирилиши;

б) бундай ҳаракатнинг қонунга хилоф эканлиги;

в) унинг бепул олинishi;

г) мулкнинг мулкдорига ёки бошқа эгасига бевосита моддий зарар етказилиши исботланган.

Талон-торож қилишнинг шакли сифатида ўғриликнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлили асосида муаллиф томонидан талон-торож қилиш ўзганинг мулкни ҳуқуққа (қонунга) хилоф равишда, бепул (текинга) ўзи ёки бошқа шахс фойдаси учун олиш ҳамда мулккий зарар етказилишида ифодаланиши, талон-торож қилишнинг субъектив белгилари айбнинг қасд шакли ва айбдорда таъмагирлик мақсадининг бўлиши, талон-торожнинг зарурий белгилари универсал мақомга эга бўлиб, улар бевосита ўғриликка ҳам тааллуқли эканлиги асослантирилган.

Юридик адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб, муаллиф томонидан ўзганинг мулки олиб қўйилиши ва (ёки) айбдор ёки бошқа шахсларнинг фойдасига айлантирилиши фаол ҳаракатлар шаклида намоён бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Хорижий мамлакатларда ўғрилик учун жавобгарлик тушунчаси ва хусусиятига нисбатан турли ёндашувлар аниқланиб, улар тўрт гуруҳга ажратилган:

1. Биринчи гуруҳ.

Мазкур гуруҳда англо-саксон ҳуқуқ тизимида кирган давлатлар (асосан Англия ва АҚШ) бўлиб, улар жиноят қонунчилигида асосан кўчар мулкни яширин равишда талон-торож қилиш ўғрилик деб топилиши белгиланган. Жумладан, бошқа шахсга тегишли бўлган мулкдан мулкдор ёки эгасини бутунлай маҳрум этиш мақсадида уни қасдан, виждонсизлик билан ўзлаштириш ўғрилик, деб топилади. Мазкур таърифдан ўғриликнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиш мумкин: 1) ўғриликнинг асосий аломати (*actus reus*) бу ўзганинг мулкни ўзлаштириш; 2) ўғриликнинг *mens res* (субъектив томони) белгиларидан бири бу виждонсизлик (мулкнинг инсофсиз эгалланиши);

Америка жиноят ҳуқуқида ўғриликнинг асосий олтита белгиси кўрсатилган: 1) мулк ҳуқуқининг бузилиши; 2), 3) қўлга киритиш ва олиб кетиш; 4), 5) кўчар мулкни қўлга киритиш ва олиб кетиш; 6) айбдорнинг жабрланувчини мулкдан умрбод маҳрум этиш мақсади.

2. Иккинчи гуруҳ.

Мазкур гуруҳга ўғрилик субъектлари нисбатан чекланган, Италия, Франция каби давлатлар киритилади. Ушбу давлатларда ўғрилик тўғрисидаги нормаларда у шахсга зўрлик ишлатмай ёки таҳдид қилмай мулкни яширин равишда ёхуд очиқдан-очиқ ўзлаштириб олиш сифатида таърифланади. Шунингдек, уларда тарафларнинг қариндошлик ришталари инобатга олинган ҳолда дифференциацияланган жавобгарлик назарда тутилган.

3. Учинчи гуруҳ.

Мазкур гуруҳда ўғрилик жинояти нисбатан кенгрок мазмунда тушуниладиган, талон-торож қилишнинг бошқа турлари ҳам ўғрилик сифатида квалификация қилинадиган давлатлар (Япония ва бошқ.) қонунчилиги кўриб чиқилади. Мазкур гуруҳга мансуб давлатларда ўғрилик ва талончилик фарқланмаслиги ҳамда улар ягона ўғрилик тушунчасида бирлаштирилишида, шунингдек қилмишни ўғрилик сифатида баҳолаш учун мулк айбдор эгалигига яширинча ўтиши шарт эмаслиги белгиланган.

4. Тўртинчи гуруҳ.

Мазкур гуруҳда асосан МДХ мамлакатлари жиноят қонунчилиги кўриб чиқилади. Мазкур гуруҳга кирувчи давлатлар жиноят қонунчилигида алоҳида қийматга эга ва давлат муҳофазаси остидаги моддий-маданий мерос ўғриликнинг предмети сифатида алоҳида дифференциация қилинган.

Диссертация давомида ўтказилган таҳлил асосида муаллиф томонидан ўғрилик жинояти учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш тарихи уч босқич билан тавсифланиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган:

1-босқич қадимги давлатчилик давридан 1926 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур босқичда ўғрилик сифатида баҳоланган ва диний тартиб-таомиллар (Авесто, шариат қоидалари) бўйича жазоланганлиги билан тавсифланади.

2-босқич 1926 йилдан 1994 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур босқичда давлат ва шахсий мулкка қарши содир этилган ўғрилик фарқланган ва жавобгарлик дифференциация қилинган.

3-босқич 1994 йилдан ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур босқичда жиноят қонунчилиги, унинг принциплари ва жазо чоралари инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари устунлиги нуқтаи назардан тўлиқ қайта кўриб чиқилди ва янги ЖК қабул қилинди. Унда ўғрилик учун жавобгарлик белгиловчи нормалар ҳам тизимлаштирилган ҳолда ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятлари таркибига киритилиб, барча шаклдаги мулкни ўғирлаганлик учун бир хил жавобгарлик назарда тутилган.

Диссертациянинг «**Ўзгалар мулкни ўғрилик йўли билан талон-торож қилишнинг юридик таҳлили**» номли иккинчи бобида ўзгалар мулкни ўғрилик йўли билан талон-торож қилишнинг объектив ва субъектив белгилари, ўғрилик йўли билан талон-торож қилишни квалификация қилиш ҳамда жазо тайинлаш масалалари, шунингдек бу борадаги суд-тергов амалиёти таҳлил қилиниб, ўғрилик учун жавобгарлик белгиланган жиноят-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда талон-торож қилиш, хусусан ўғриликнинг тамом бўлиш вақтини аниқлаш масалаларидан келиб чиқиб, бу борадаги назариялар тўрт гуруҳга бўлиб ўрганилган:

1) айбдор ўзганинг мулкига қонунга зид равишда қўл теккизган пайтдан эътиборан жиноят тамом бўлган ҳисобланади;

2) талон-торож қилиш айбдор ўзганинг мулкни у турган хонадан олиб чиққан пайтдан эътиборан тамом бўлган, деб эътироф этилади;

3) айбдор ўзганинг мулкни қўлга киритган пайтдан эътиборан жиноят

тамом бўлган ҳисобланади;

4) талон-торож қилиш айбдор ўзганинг мулкини тасарруф этган ёки ундан фойдаланган пайтдан эътиборан тамом бўлган, деб баҳоланади;

Муаллиф ўғрилиқ содир этиш усуллари уч гуруҳга: 1) уй-жой, хона бошқа омборхонага кирмасдан, содир этилган; 2) уй-жой, хона бошқа омборхонага ғайриқонуний равишда кириб, содир этилган; 3) бошқа усулда содир этилган ўғрилиқни фарқлаган.

Муаллиф ўғрилиқ учун белгиланган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни тизимлаштирган ҳолда, уларни гуруҳларга ажратишда қуйидаги жиҳатларни мезон сифатида танланган:

- 1) жиноят натижасида етказилган зарар миқдори;
- 2) жиноятни такроран содир этиш ва рецидивлик даражаси;
- 3) қилмишни иштирокчиликда содир этиш;
- 4) жиноятни содир этиш жойи ва усули;
- 5) жиноятни содир этиш воситаси.

Диссертант олимларнинг ўғрилиқнинг жиноят-ҳуқуқий хусусиятига оид қарашлари бир хил эмаслигини кўрсатиб:

бир гуруҳ олимларнинг ўғрилиқда мақсад жинойий хатти-ҳаракат асосий элементи (жиноят тушунчаси) сифатида;

иккинчи гуруҳ олимлар мақсадни субъектив жиҳат ва жиноят таркиби элементи сифатида (жиноят-ҳуқуқий тушунча) кўришини назарда тутишини таъкидлаган.

Муаллиф қайд этганидек, ўғрилиқ таркибида элемент сифатида доимо айбнинг мавжудлиги билан тавсифланади.

Диссертант томонидан ўғрилиқнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан ифодаланиши, ушбу жиноят доим муайян ниятда содир этилиб, уни содир этган шахс мулкни ғайриқонуний тарзда олиб қўйганини, шунингдек унга на ҳақиқий, на тахминий ҳуқуқи йўқлигини билиши, жиноят содир этиш пайтида айбдор ўз ҳаракатларининг ижтимоий ҳавфли эканини англаши, ушбу оқибатларнинг юз беришини хоҳлаши асослантилган. Бу хулоса ўғрилиқ жинояти таркибининг субъектив томонига баҳо беришда, қилмишни квалификация қилишда қонунийлик принципи таъминланишига хизмат қилади.

Муаллиф ўғрилиқ содир этишда уюшган гуруҳнинг бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир этишдан асосий фарқловчи белги – барқарорлик ва доимий равишда жинойий фаолиятни мақсад қилинганлигини таъкидлаб, уюшган гуруҳнинг барқарорлигига қуйидаги:

а) унинг узоқ муддат давомида мавжудлиги, бунда гуруҳ мураккаб жиноятни ёки ҳар томонлама тайёргарликни талаб этадиган бир неча жиноятни содир этишга тайёрланиши;

б) гуруҳнинг асосий иштирокчилари ўзгармагани ҳолда таркибининг доимийлиги;

в) алоқаларнинг мустаҳкамлиги ва гуруҳ иштирокчилари ўртасида вазибаларнинг иерархик (вертикал бўйича) ёки функционал (горизонтал бўйича) тақсимланишини таъкидлаган.

Ўғрилиқ учун жавобгарликни белгилашда жиноят қонунининг инсонпарварлик принципига риоя этилишини таъминлаш мақсадида муаллиф

ЖК 169-моддаси биринчи қисмига ўғрилиқнинг жиноий қилмиш сифатида баҳолаш учун маъмурий преюдицияни ҳамда кўп бўлмаган миқдорни, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз баробар миқдоридаги зарарни белгилаш мақсадга мувофиқлигини асослантирган. Жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд-тергов амалиётида тўлиқ асосланган суиқасд, предметга нисбатан хато, жиноятда бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжудлигини инобатга олиб, ЖК 169-моддаси биринчи қисмини қуйидагича таҳририни таклиф этади:

«Ўғрилиқ, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда кўп бўлмаган миқдорда талон-тороғ қилиш ёки майда ўғрилиқ учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса».

ЖКга мазкур ўзгартиришнинг киритилиши, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 61-моддаси ҳам ўзгартирилишини тақазо этишини таъкидлаб, муаллиф МЖТКнинг 61-моддаси учинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этади:

*«Майда ўғрилиқ, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда оз миқдорда талон-тороғ қилиш, башарти шундай ҳаракатлар энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваригача миқдорда бўлса,
– энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз беш бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади».*

Диссертант тадқиқ этилган суд-тергов амалиёти материаллари асосида ўғрилиқ учун жавобгарлик белгиланган жиноят-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш юзасидан:

1) уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган бўлса, деган оғирлаштирувчи бандни ижтимоий ҳавфи юқорилиги боис, ЖК 169-модданинг 2-қисмидан 3-қисмига ўтказиш;

2) ЖК 169-моддаси 2-қисми «г» бандида «яқин қариндоши мол-мулкига нисбатан» жумласини акс эттириш;

3) ЖК 167, 168 ва 169-моддаси 3-қисмидан «компьютер техникасидан фойдаланиб», «компьютер тизимида рухсатсиз кириб» каби оғирлаштирувчи ҳолатларни чиқариш, ЖКни «Ахборот технологияларидан фойдаланиб, ўзганинг мулкани талон-тороғ қилиш» янги 169²-модда билан тўлдириш;

4) ЖК 169-моддаси 3-қисмини «хизмат ёки мансаб мавқеидан фойдаланиб, содир этилган бўлса» мазмундаги янги «г» банд билан тўлдириш;

5) ЖК 169-моддаси 3-қисмини қуйидаги «д» банд билан тўлдириш:
«д) оммавий тартибсизликлар ёхуд табиий ва техноген фалокат шароитида содир этилган бўлса»;

6) ЖКнинг 169-моддасини қуйидаги рағбатлантирувчи норма билан тўлдириш:

«Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

7) Алоҳида қийматга эга предметларни қонунга хилоф равишда эгаллаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиловчи норма билан тўлдириш зарурати асослантирилган.

Диссертациянинг «Ўзгалар мулкани ўғрилиқ йўли билан талон-тороғ қилишнинг кримнологик тавсифи»га бағишланган учинчи бобида ўзгалар мулкани ўғрилиқ йўли билан талон-тороғ қилишнинг кримнологик тавсифи,

Ўғрилиқнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар ҳамда мазкур турдаги жиноятларининг олдини олиш чоралари тадқиқ этилган.

Муаллиф томонидан ўғрилиқни содир этиш жойига кўра икки турга:

1) аҳолининг кўчиши ва ижтимоий-маиший эҳтиёжлари билан боғлиқ оммавий тўпланиш жойлари – вокзаллар ва аэропортлар, транспорт воситалари, бекатлар, корхона, ташкилот, муассаса ҳудуди, бозорлар ва савдо объектлари;

2) дам олиш ва хордиқ чиқариш жойлари – театр, кинотеатр, ресторан, бар, бошқа дам олиш ва хордиқ чиқариш жойларига ажратиш таклиф қилинган.

Диссертацияда ўғрилиқни асосан, ёшлар содир қилиши, жиноятларнинг 34,6% 18-25 ёшгача бўлганлар, 44,7% 25-30 ёшдагилар, 16% 30-40 ёшдагилар, 2,7% 40-49 ёшдагилар содир қилганлиги, шунингдек 50 ёшдан катталарнинг 2% ини ташкил қилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Муаллифнинг фикрича, ўғрилиқни содир этган жиноятчи шахсининг қуйидаги:

1) таъмагир;

2) ашаддий;

3) ўта ашаддий типологияларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Диссертация доирасида ўғрилиқ жиноятининг сабаб ва шарт-шароитлари таҳлил қилиниб, уларнинг қуйидаги турлари кўрсатилган:

– фуқаролар учун етарли иш ўринлари мавжуд эмаслиги;

– ойлик иш ҳақининг етарли даражада эмаслиги;

– аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасининг пастлиги;

– алкоголизм ва бошқа салбий иллатларнинг тарқалганлиги;

– мулкнинг қаровсиз қолдирилиши;

– оилада, маҳаллада ўзаро таъсир кўрсатишнинг етарли эмаслиги;

– ўғрилиққа қарши курашиш механизмларидаги камчиликлар.

Муаллиф мазкур бобда ўғрилиқнинг олдини олишга қаратилган, умумижтимоий характерга эга чора-тадбирлар, кўриб чиқиладиган жиноятлар криминалогик тавсифи ҳамда унга кўмаклашувчи омилларни таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши заруриятини, шунингдек ўғрилиқлар миқдори, жамиятда ўта долзарб иқтисодий ва ижтимоий зиддиятлар даврида, ижтимоий танглик ривожланиши баробарида ортиб бориши қонуниятини асослантирган.

Тадқиқотда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни аниқлаш ва бартараф қилиш бўйича қуйидаги тезкор-қидирув, профилактик тадбирлар комплексини амалга ошириш таклиф қилинган:

– муқим жойсиз дайдиб юрган, тиланчилик қилаётган, жамиятга қарши турмуш тарзини олиб бораётган шахсларга ижтимоий ёрдам бериш, жамиятга мослаштириш;

– виқтимологик профилактика соҳада ички ишлар органлари ва оммавий ахборот воситаларининг кенг имкониятларидан фойдаланиш;

Диссертантнинг фикрича, юқорида қайд этилган йўналишлар комплекс тарзда кўриб чиқилиши лозим, бу ўғрилиқнинг олдини олиш, бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва ўғрилиқнинг профилактика қилиш механизмини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий кафолатлари яратилишини таъминлайди.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида куйидаги хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Жиноят ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича хулоса ва тавсиялар:

1. Талон-торож тушунчасини куйидаги таърифи ишлаб чиқилди ва ЖКнинг саккизинчи “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” бўлимида ушбу тушунча мазмунини келтириш таклиф этилди:

“**Талон-торож** – ўзганинг қонуний эгалиги (тасарруфи)да бўлган мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини қонунга хилоф равишда айбдорнинг ўзи ёки учинчи шахс фойдасига қасддан, таъмагирлик ёхуд бошқа паст ниятда бепул ва қайтариб бермаслик шарти билан олиб қўйишдир”.

2. Ўғрилик тушунчасининг куйидаги таърифи ишлаб чиқилди:

“**Ўғрилик** – ўзганинг қонуний эгалиги (тасарруфи)да бўлган мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини қонунга хилоф ва яширин равишда, яъни мулкдорга ёки мулкнинг бошқа эгасига аён бўлмаган ёхуд аτροφдаги шахслар жиноят содир этилаётганини англамаётган ҳолатда, ўзининг ёки учинчи шахс фойдасига талон-торож қилишдир”.

3. Таҳлиллар асосида ўғрилик учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонунини нормаларининг ривожланиши куйидаги босқичларга ажратилди:

1-босқич: қадимги давлатчилик давридан 1926 йилгача – бу даврда ўғрилик жиноят сифатида баҳоланган ва диний тартиб-таомиллар (Авесто, шариат қоидалари) бўйича жазоланган;

2-босқич: 1926-1994 йиллар – бу даврда давлат ва шахсий мулкка қарши содир этилган ўғрилик фарқланган ва жавобгарлик дифференциация қилинган;

3-босқич: 1994 йилдан ҳозиргача бўлган даврда жиноят қонунчилиги, унинг пинциплари ва жазо чоралари инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари устунлиги нуқтаи назардан тўлиқ қайта кўриб чиқилди ва янги ЖК қабул қилинди. Унда ўғрилик учун жавобгарлик белгиловчи нормалар ҳам тизимлаштирилган ҳолда ўзгалар мулкни талон-торож қилиш учун жавобгарлик батта моддада назарда тутилди.

II. Жиноят кодексини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. ЖК 169-моддаси биринчи қисмига ўғриликнинг жинойий қилмиш сифатида баҳолаш учун маъмурий преюдицияни ҳамда кўп бўлмаган миқдорни, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз баробари миқдоридаги зарарни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Талон-торож қилинган мол-мулкнинг умумий миқдори бунга етмаган тақдирда, айбдорга нисбатан маъмурий жазони қўллашни кўзда тутадиган қоида кириштириш лозим. Албатта, назарияда ва суд-тергов амалиётида тўлиқ асосланган суиқасд ҳолатлари, предметга нисбатан хато ҳолатлари, жиноятда бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжудлиги қилмишни тўғридан тўғри жиноят сифатида квалификация қилишни кўзда тутиш шарт. Шу муносабат билан ЖК 169-моддаси биринчи қисмини куйидагича тахририни таклиф қиламиз:

«Ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш майда ўғрилик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёхуд кўп бўлмаган миқдорда содир этилган бўлса»

ЖКга мазкур ўзгартириш киритилиши, табиий равишда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 61-моддасини ҳам ўзгартириш лозимлигини англатади. Биз унга 3-қисмни қўшиб, қуйидаги ўзгартириш киритишни таклиф қиламиз:

